

Глобаллашув шароитида дахлдорлик тарбиясининг ижтимоий-педагогик хусусиятлари

Абира Амановна Хусейнова
Ғолиб Толибович Аслонов
БухДУ

Аннотация: Ушбу мақолада глобаллашув шароитида дахлдорлик тарбиясининг ижтимоий-педагогик хусусиятлари, авзалликлари ва асосий механизмлари ҳақида фикр боради.

Калит сўзлар: Дахлдорлик, ўқувчи, тарбия, глобаллашув, ўсмирлик, ижтимоий-психология.

Socio-pedagogical characteristics of the education of immunity in a globalized environment

Abira Amanovna Xuseynova
Golib Tolibovich Aslonov
BuxDU

Abstract: This article gives an idea of the socio-pedagogical features, advantages and main implications of the education of immunity in the global environment.

Keywords: Immunity, reader, education, globalism, adolescence, socio-psychology.

Глобаллашув даврида инсон қалби ва онги учун кураш кун сайин шиддатли тус олиб, дунёнинг мафкуравий манзараси ўзгариб бормоқда. Геополитик мақсадлар ва мафкуравий сиёсатнинг қўшилиб бораётгани, мустақилликни қўлга киритган мамлакатларда мафкуравий тамойиллар аҳамиятининг ошиб бораётгани, мафкуравий жараёнларнинг глобаллашаётгани, педагогика назарияси ва амалиёти олдида ушбу жараёнларга мос келадиган, янгича фикрловчи авлодни тарбиялаш долзарб вазифага айланди. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев қайд этганидек: “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга оширишда биз, илгаригидек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари - маҳаллалар, шунингдек, нодавлат ноижорат ташкилотлари, эркин ва холис оммавий ахборот воситалари фаол ўрин эгаллайди, деб ишонамиз”[1] - дея таъкидлагани бежиз эмас.

Фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни бекиёсдир. Ҳозирги даврда Ўзбекистонда 7 миллионга яқин фуқаролар касаба уюшмалари фаолиятида, 600 мингдан ортиқроқ фуқаролар эса сиёсий партиялар аъзолари сифатида жамоатчилик ишларида иштирок этадилар[217]. Шунингдек, миллионлаб фуқаролар ёшлар, хотин-қизлар, турли жамғармалар, нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятида иштирок этадилар. Ҳозирда вилоятларда 661 та, туманларда 4564 та, шаҳарларда 831 та вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари депутатлари, 10 000 га яқин ўзини ўзи бошқариш органлари ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирок этмоқдалар. Бу эса уларнинг маълум маънодаги дахлдорлигини англатади.

Дахлдорликни ўрта махсус таълим муассасалари ўқувчиларининг маънавий фазилатига айлантириш учун масалага технологик тамойил асосида ёндашиш, яъни дахлдорликка ўргатиш керак. Зеро дахлдорлик ҳақидаги билим ва тушунчалар дахлдорлик тарбиясининг тахминан 30% ини ташкил этади. (Агарда бу юқори педагогик-психологик талаблар асосида ташкил қилинса). Чунки бунда кўникма, малака эмас, билим шаклланади, холос. Зеро социобиология ютуқлари ҳам инсоний фазилатлар, хулқ-атвор меъёрлари ижтимоий ҳаёт, тарбия орқали орттирилишини исботлади. Шу тариқа ўқувчиларда дахлдорлик фазилатини шакллантиришда унинг қуйидаги муайян ижтимоий тарбиявий вазифаларининг белгилаб олиниши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Маънавий-маърифий ишларнинг таъсирчанлигини ошириш, маънавият соҳасидаги ички ва ташқи таҳдид ҳамда хавф-хатарларга қарши самарали курашиш, жамиятда мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш, давлат ва жамоат ташкилотларининг бу борадаги фаолиятига яқиндан кўмаклашиш мақсадида комплекс тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш..." вазифаси ушбу соҳадаги ишларни қайта кўриб чиқишни тақозо этиши алоҳида таъкидланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 декабрдаги "Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида" ПҚ-2691-сон қарори вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳар ва туманлар ҳокимларининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари лавозимлари жорий қилинди.

Фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни бекиёсдир. Ҳозирги даврда Ўзбекистонда 7 миллионга яқин фуқаролар касаба уюшмалари фаолиятида, 600 мингдан ортиқроқ фуқаролар эса сиёсий партиялар аъзолари сифатида жамоатчилик ишларида иштирок этадилар. Шунингдек, миллионлаб фуқаролар ёшлар, хотин-қизлар, турли жамғармалар, нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятида иштирок этадилар. Ҳозирда вилоятларда 661 та, туманларда 4564 та, шаҳарларда 831 та вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари депутатлари, 10 000 га яқин ўзини ўзи

бошқариш органлари ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирок этмоқдалар. Бу эса уларнинг маълум маънодаги дахлдорлигини англатади.

Буларнинг барчаси Ўзбекистонда кучли фуқаролик жамиятини барпо этишга хизмат қиладиган ислохотларнинг натижасидир. Аммо шуни унутмаслик керакки, фуқаролик жамиятининг шаклланиши - узоқ давом этадиган жараёндир. Фуқаролик жамиятини қарор топтириш халқимизнинг маънавий фазилатлари юксалишига боғлиқ. Бироқ глобаллашув шароитида маънавиятнинг саёзлашувидек улкан муаммо юзага келмоқда. Терроризм, миссонерлик, диний экстремизм, "оммавий маданият", гедонизм, эскапизм, дауншифтинг, лоқайдлик, бефарқлик, ахборот хуружи ва оиланинг глобал инқироzi каби иллатларнинг пайдо бўлаётгани шулар жумласидандир. Уларнинг барчасига ёшлар тарбиясидаги камчиликлар, маънавиятнинг қашшоқлашуви сабаб бўлмоқда. Фуқаролик жамияти шаклланиши жараёнида дахлдорлик тарбиясига етарли даражада эътибор қаратилмаслиги оқибатида шундай жараён юз бермоқда.

Маънавий қашшоқлашув эса ўз-ўзидан одамнинг ўз халқи, ватанига дахлдорлигининг заифлашувига олиб келади. Ахборот хуружига ва бузғунчи ғояларга қарши тура оладиган мафкуравий иммунитетнинг шаклланиши ҳам дахлдорликнинг даражасига бевосита боғлиқ. Чунки дахлдор инсоннинг мафкуравий иммунитетини кучли бўлади. Мафкуравий иммунитетга эга бўлган шахснинг эса маънавияти янада юксалиб боради. Сабаби унга маънавий таҳдид ва мафкуравий хуружлар зарар етказа олмайди. Шу билан бирга у ана шу хуружларга қарши курашишни яхши ўрганиб олади. Лоқайд бўлмайди. Шу сабабли фуқаролик жамиятини барпо қилишда дахлдорлик масаласига алоҳида эътибор қаратилади. Буларнинг барчаси бизни фуқаролик жамиятининг шаклланиш жараёнида аҳоли, энг аввало, ёшларнинг ислохотларга дахлдорлигини мустақкамлашни таъминлайдиган ижтимоий ахлоқни ҳимоя қилиш ва маънавиятни юксалтириш муаммоларини таҳлил қилишга ундайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ахмадов, Н. Р. (2022). Психологические механизмы реабилитации процесса дезадаптации у подростков. *Science and Education*, 3(4), 1271-1277.
2. Axmadov, N. R., & Roziqova, M. F. (2022). Oilaviy ajrimlar ularning sabablari, ajrimlarning oldini olishning psixologik mexanimzlari. *Science and Education*, 3(4), 760-764.
3. Ахмадов, Н. Р. (2020). Роль психологического здоровья студентов в учебный процесс. *Психология XXI столетия*. In Сб. научных статей по материалам международной конференции) (pp. 127-131).
4. Rahmat o'g'li, A. N., & Oybek o'g'li, D. S. (2020). Preventing the formation of suicidal risk in adolescents under the influence of interpersonal relationships.

INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND TECHNICAL JOURNAL "INNOVATION TECHNICAL AND TECHNOLOGY", 1(2), 37-41.

5. Ахмадов, Н. Р. (2022). Социально-психолого-педагогическая реабилитация дезадаптированных подростков. *Science and Education*, 3(2), 1045-1053.

6. Ахмадов, Н. Р. (2022). ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ РЕАБИЛИТАЦИИ ДИЗАДАПТИРОВАННЫХ ПОДРОСТКОВ. INTEGRATION OF SCIENCE, EDUCATION AND PRACTICE. SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL, 3(3), 79-84.

7. Axmadov, N. R. (2022). Deadaptatsiya va uning o'smir xulqida na'moyon bo'lishi. *Science and Education*, 3(3), 389-395.

8. Ахмадов, Н. Р. (2020). ПРИЧИНЫ СУИЦИДОВ В ДЕТСКОМ И ПОДРОСТКОВОМ ВОЗРАСТЕ. Рекомендовано к печати Ученым советом Института психологии имени ГС Костюка НАПН Украины (Протокол № 14 от 28 декабря 2020), 14.

9. Nazir, A. (2022). SOCIO-PSYCHOLOGICAL CHARACTERISTICS OF THE REHABILITATION OF DISADAPTED ADOLESCENTS. *Integration of Pragmalinguistics, Functional Translation Studies and Language Teaching Processes*, 377-380.

10. Рустамов, Ш. Ш. (2022). Психологические особенности изучения математической компетентности практикующего психолога. *Science and Education*, 3(4), 1746-1752.

11. Рустамов, Ш. Ш. (2022). О формировании математической компетентности практический психологов. *Science and Education*, 3(2), 1359-1366.

12. Рустамов, Ш. Ш. (2019). Анализ психологических данных с помощью программы SPSS. Информационная культура современного детства. Сборник статей Международной научно-практической конференции Россия, г. Челябинск, 187-191.

13. Rustamov, S. (2021). ОСОБЕННОСТИ МАТЕМАТИЧЕСКОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ ПРАКТИЧЕСКИЙ ПСИХОЛОГОВ. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz), 8(8).

14. Назаров, А. М., & Рустамов, Ш. Ш. (2019). АНАЛИЗ ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ ДАННЫХ С ПОМОЩЬЮ ПРОГРАММЫ SPSS. ББК 71.0 И74 Редакционная коллегия Ответственный редактор, 187.

15. Olimov, L. Y. Umumiy psixodiagnostika. "Durdona" nashriyoti. Buxoro. 2020.

16. Nazarov, A. M. (2020). PSYCHOLOGICAL MECHANISM FOR IMPROVEMENT OF PSYCHOLOGICAL PROTECTION OF SPORTSMEN. *Theoretical & Applied Science*, (1), 435-438.
17. Назаров, А. М., & Агамурадов, С. И. (2022). Особенности психологической защиты личности в подростковом возрасте. *Science and Education*, 3(2), 654-660.
18. Ismatulloev, A. N., & Nazarov, A. M. (2022). The level of subjective control and its influence on the activity of the person. *Science and Education*, 3(2), 751-754.
19. Akmal, N. (2022). KINDS OF TEMPERAMENT OF HUMAN BEINGS. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 3(1), 321-324.
20. Назаров, А. М. (2020). Спортчиларда психологик муҳофазани шакллантириш усуллари. *Психология. Илмий журнал.–Бухоро*, (4), 21-27.
21. Назаров, А. М. (2020). Психологическая защита личности в спортивной деятельности “Психология XXI столетия”. Выпуск, 1, 97-99.
22. Axmadov, N., & Ostanov, S. (2021). РОЛЬ ПСИХОЛОГИЧЕСКОГО ЗДОРОВЬЯ СТУДЕНТОВ В УЧЕБНЫЙ ПРОЦЕСС. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz), 3(3).
23. Останов, Ш. Ш. (2020). Арт-терапия воситалари орқали талаба-ёшлар креативлигини ривожлантириш. *Психология. Илмий журнал.–Бухоро*, (2), 175-184.
24. Назаров, А. М., & Останов, Ш. Ш. (2017). СОЦИАЛЬНЫЙ ИНТЕЛЛЕКТ КАК СОЦИАЛЬНО-ПСИХОЛОГИЧЕСКАЯ ПРОБЛЕМА. *NovaInfo. Ru*, 1(58), 547-552.
25. Бафаев, М. М., & Останов, Ш. Ш. (2014). СОЦИАЛЬНОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ КАК МЕХАНИЗМ ЗАЩИТЫ ОБЩЕСТВА. In *Формы и методы социальной работы в различных сферах жизнедеятельности* (pp. 24-26).
26. Останов, Ш. Ш. (2019). Бытие виртуальной реальности.“. *Вестник интегративной психологии” журнал для психологов*, (18), 169-172.
27. Бафаев, М. М., & Останов, Ш. Ш. (2014). Этнический менталитет как компонент психического склада этноса. *РЕМ: Psychology. Educology. Medicine*, (2), 27-30.
28. Кулиев, Ё. К. (2022). Социально-психологические особенности юношеского возраста. *Science and Education*, 3(4), 1392-1397.
29. Salixov, S. M., & Salixov, T. M. (2022). Musobaqa oldi sportdagi stress va tauyorgarlikning psixologik tomonlari. *Science and Education*, 3(4), 1039-1044.
30. Усманова, М. Н., Останов, Ш. Ш., & Бафаев, М. М. (2013). К вопросу о зарождении этнопсихологии. *РЕМ: Psychology. Educology. Medicine*, (1-1), 68-72.

31. Sobirov, A. (2021). Индивидуальные проявления механизмов психологической защиты у спортсменов. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.uz), 3(3).

32. Ismatova, D. T. (2022). Emotsional zo'riqishlarini korreksiyalashning ijtimoiy psixologik xususiyatlari. Science and Education, 3(4), 850-855.